O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 23 AVGUST ◆ PAYSHANBA ◆ № 100-101 (26.803)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИ РИВОЖИГА УЛКАН ҲИССА ҚЎШГАН МАРҲУМ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАМОЯНДАЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бетакрор истеъдоди ва ўлмас ижодий мероси билан ўзбек миллий маданиятининг ривожига беқиёс ҳисса қўшган, бутун ҳаётини эл-юрт тараққиёти, халқимиз маънавиятининг юксалишига бахш этган ватандошларимизнинг хотирасини ёд этиб, уларнинг Ватан олдидаги унутилмас хизматларини инобатга олиб, қуйидаги марҳум адиб ва санъаткорлар «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлансин:

Лутфихоним Саримсоқова — Ўзбекистон халқ артисти

Мукаррама Турғунбоева — Ўзбекистон халқ артисти

Шукур Бурхонов — Ўзбекистон халқ артисти

Тамарахоним (Петросова Тамара Артёмовна) — Ўзбекистон халқ артисти

Садриддин Айний — ёзувчи

Мақсуд Шайхзода — Ўзбекистон санъат арбоби, шоир, драматург

Миртемир (Турсунов Миртемир) — Ўзбекистон халқ шоири

Миркарим Осим (Осимов Миркарим) — ёзувчи

Ўрол Тансиқбоев — Ўзбекистон халқ рассоми

Чингиз Аҳмаров — Ўзбекистон халқ рассоми

Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов — ҳофиз

Маннон Уйғур (Мажидов Маннон) — режиссёр

Кузнецова Мария Александровна — Ўзбекистон халқ артисти

Аббос Бакиров — Ўзбекистон халқ артисти

Уста Ширин Муродов — Ўзбекистон санъат арбоби, ганчкор уста

Наби Ғаниев — кинорежиссёр

Муроджон Аҳмедов — Ўзбекистон халқ артисти

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 22 август

КЎНГИЛЛАР ШОД, РУҲИЯТ БАЛАНД

Наманган вилоят ҳокимлиги юрт ғаллакорлари учун шаҳардаги «Навбаҳор» ўйингоҳида катта ҳосил тўйи ташкил этди.

«Дунё ям-яшил ва гўзалдир. Кимки ундан ҳақли равишда ҳалоллик билан олса, ундан барака топади...» дейилади ҳадиси шарифда. Наманганда шундай бўлди. Ғаллакорлар ҳалол ва меҳр билан ишладилар, шундан барака топдилар. 300 000 тоннадан ортиқ ғалла ишлаб чиқарилди. Ширкат хўжаликларида ўртача ҳосилдорлик 65-70, олди туманларда 50-55 центнерга етди. Вилоят бўйича ўтган йилгидан 6 центнер кўп, ҳар гектар ердан 40 центнердан ғалла етиштирилди. Тайёрлов омборлари донга тўлиб, вилоят аҳолисига 52000 тонна ғалла тарқатилди.

Ишни қойил қилганларнинг меҳнат зафаридан кўнгиллари шод, руҳиятлари сарбаланд бўлди, байрамда. Вилоятнинг барча туманларидан ташриф буюрган ғаллакор ва соҳага хизмат қилганлар чеҳралари гул-гул яшнади. Вилоят ҳокими, Олий Мажлис депутати Тўлқин Жабборов, республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Сайидали Бегалиевларнинг табриклари олқишланди.

Меҳнат беллашувида биринчи ўринга сазовор бўлган Поп тумани «Дамас», иккинчи ўриндаги Норин тумани «Тико» автомашиналарини қўлга киритдилар. Учқўрғон ва Янгиқўрғон туманлари учинчи ўринга муносиб деб топилди ва видео иккиликлар олишди. Ҳар гектар ердан 73 центнердан ғалла олган Янгиқўрғон туманидаги «Кўкёр» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Ёдгор Мақсудовга «Тико», ғалла уруғчилигида илғор тажриба мактаби яратган Чортоқ тумани Алишер Навоий номли жамоа хўжалигига ҳам «Тико» совға қилинди.

Мингбулоқ туман машина-трактор саройи комбайнчиси Набижон Мадаминов «Нексия», янгиқўрғонлик комбайнчи Олимжон Топилов «Тико» автомашиналарининг соҳиблари бўлишди.

Ғаллакорлар учун ўзбек эстрадасининг юлдузи, Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова, Республикада хизмат кўрсатган артист, қулғу устаси Обид Асомов ижросида катта концерт намойиш этилди.

■ **Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

***

Суратларда: *байрам тадбирида вилоят ҳокими Тўлқин Жабборов Мингбулоқ туман машина-трактор саройи комбайнчиси Набижон Мадаминовга «Нексия» калитини топширмоқда.*





■ Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ Ф А Р М О Н И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЎН ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-бандига асосан, қарор қиламан:

1. Қуйидаги маҳкумлар жазодан озод қилинсин:

а) аёллар;

б) вояга етмаган ёшида жиноят содир этган шахслар;

в) ногиронлар ва жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган шахслар;

г) оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этган шахслардан ташқари 55 ёшдан ошган эркаклар ва чет эл фуқаролари.

2. Олти йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга, шунингдек эҳтиётсизлик орқасида содир этган жинояти учун ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Саккиз йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин.

4. Ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин.

5. Ушбу Фармон чиқарилган кунга қадар, тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ учун уч йилдан кам муддат қолган маҳкумлар жазодан озод қилинсин.

6. Ушбу Фармоннинг 1-моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар ҳаракатдан тугатилсин.

7. Мазкур Фармонга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахсларнинг жазо муддатининг ўталмаган қисми қуйидагича қисқартирилсин:

а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — ярмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — учдан бир қисмига.

8. Ушбу Фармон жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузган маҳкумларга нисбатан татбиқ этилмасин.

9. Мазкур Фармоннинг:

а) 1-моддаси — жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (Жиноят кодекси 97-моддасининг 2-қисми) жиноятини содир этган шахсларга;

б) 3-6 моддалари — қуроллар ва гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларга (Жиноят кодекси 247-моддасининг 3-қисми, 248-моддасининг 3-қисми, 271-моддасининг 3-қисми, 272-моддасининг 2-қисми, 273-моддасининг 4, 5-қисмлари) шунингдек, ўта хавфли рецидивистларга;

в) 3-7-моддалари — террористик, экстремистик ташкилотлар, жиноий уюшмаларнинг аъзоларига, Ўзбекистон Республикасининг конституцион тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этган шахсларга (Жиноят кодексининг 150-163, 242, 244, 244-1, 244-2-моддалари);

г) 4-7-моддалари — илгари афв этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод этилган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилмасин.

10. Мазкур Фармоннинг 1 ва 2-моддалари тузалиш йўлига ўтган террористик, экстремистик ташкилотлар, жиноий уюшмаларнингаъзоларига, Ўзбекистон Республикасининг конституцион тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этган шахсларга нисбатан жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти томонидан уларнинг ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги тасдиқланган ҳолларда қўлланиши мумкинлиги белгилансин.

11. Фармон эълон қилинган кундан кучга киради ва тўрт ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 22 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЎН ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИГА

Ш А Р Ҳ

Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Мустақиллик кунини байрам қилиш арафасида илгари содир этган жиноятлари учун жазога маҳкум этилиб, кейинчалик ўз айбига иқрор, қилмишларидан эса астойдил пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига ўтган шахсларга нисбатан амнистия эълон қилиш анъанага айланди.

Истиқлолнинг 10 йиллик юбилейи муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан амнистияга тушадиган маҳкумлар доираси сезиларли даражада кенгайди. Фармон турли жиноятга қўл уриб, жазога маҳкум этилган 50 мингдан ортиқ фуқарони қамраб олади. Озодликдан маҳрум этиш жойларидан 25 мингдан ортиқ маҳкум озод қилинади. Улар орасида унча оғир бўлмаган жиноятларга қўл урган ҳамда эҳтиётсизлик туфайли жиноят содир этганлар, аёллар, вояга етмаганлар ва кексалар кўпчиликни ташкил қилади.

Ҳозир озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган аёлларнинг 70 фоиздан кўпроғи энди ўз оилаларига қайтади. Жазо ўташ жойларидан вояга етмаган ёшида жиноятга қўл урганларнинг қарийб 85 фоизи, шунингдек, ногирон ёки жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир хасталикка чалинган шахсларнинг ярмидан кўпроғи озодликка чиқарилади. Мазкур Фармонга мувофиқ аёллар, вояга етмаганлар ва ногиронларга нисбатан олиб борилаётган барча тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар, баъзи жиноятлар юзасидан олиб борилаётган ишларни истисно қилган ҳолда, тугатилади.

Фармонга асосан жазодан озод қилинмайдиган маҳкумларнинг ўталмай қолган жазо муддатлари сезиларли даражада қисқартирилади. Бу чора ушбу тоифадаги шахсларнинг тўртдан уч қисмини қамраб олади.

Амнистия тўғрисидаги Фармон ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини, энг аввало, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш борасидаги ишлар янада кенгайтирилаётганлигининг яққол далили, жамият ва давлатимизнинг юксак даражадаги инсонпарварлиги намунасидир.

ЖУРНАЛИСТ ТЕКШИРУВИ

БЕШ ЮЗ СЎМЛИК ЁЛҒОН

ЁХУД ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ МУДИРИНИНГ ТУРФА ҚИЛИҚЛАРИ

Таҳририятга келган шикоят хатига Хива туманидаги мактаб директори Г.Маткаримова имзо чеккан. Арзнома туман халқ таълими бўлими мудири Полвонназир Отажоновнинг турфа қилиқлари ҳақида. Бир бошдан айтсак: 2001 йил 22 май куни шаҳар ва туман мактаблари директорлари, боғча-ясли мудиралари билан ўтказилган йиғилишда Отажонов вилоят халқ таълими бошқармаси топшириғига кўра, «Қонун ҳимоясида» журнали март ойи сонининг ҳар донасини 500 сўмдан сотишга кўрсатма беради. 3000 дона журнални тарқатиш ва пулини тезкор йиғиш халқ таълими услубчиси М. Бобожонова зиммасига юклатилади. Айрим директорлар бунга норозилик билдирадилар. Чунки, журналнинг айнан шу сони матбуот уюшмалари дўконларида 200 сўмдан сотилаётган эди-да. Аммо, норозиликка эътибор беришмайди. Журнал тарқатилади. Кўпгина мактаб директорлари йиғилган пулларни келтириб топширадилар.

Энг қизиғи сўнг бошланади. 12 июнь куни 26-мактабда бўлган йиғилишда мудир: «Журнални 500 сўмдан сотилди, деб ҳеч ерда айтманглар, республика прокуратурасидан комиссия бор, яхшиси бепул тарқатилди, деб айтинглар, пулларингизни қайтариб берамиз. Бирортангдан бир гап чиқса, тамом, шу одам ишламайди!» дейди.

Табиийки, жамоадан 70 кишига журнал сотиб, 35 минг сўм топширган Г. Маткаримова мудирнинг бу сўзларига ишониб, пулни олиш учун қабулига киради ва: «Бу пуллар вилоят касалхонаси қурилишига ўтказилди», деган жавобни эшитади. 1-мактаб мустақил ҳисоб рақамига эга. Март ойида айнан ҳашар асосида қурилаётган шифохона ҳисобига 25 минг сўм пул ўтказган. Аммо, директорнинг буни тушунтириши беҳуда кетади. Отажонов: «Мен комиссия борлиги учун пул қайтарилади, деб номига айтдим. Комиссия кетгач, барибир қайтадан йиғамиз. Хомтама бўлма, бор ишингни қил!», деб дўқ уриб директорни ҳайдаб юборади.

4-мактаб директори Ш.Мадаминов: «70 дона журнални сотиб 35 минг сўм пул топширгандим. Мудирнинг гапига ишониб, хўжалик мудирини юборсам, «Пулни «Авесто» жамғармасига ўтказдик!» деб қайтарибди. Кейинги йиғинда эса: «Журнал масаласида ким бирор жойга ёзса, кўзини ўйиб оламан!» деди. 36 йил ишлаб, бундай қўпол муомалани кўрганим йўқ!»

Шаҳардаги 10-мактаб директори Давлатёр Раҳимов: «Менга 120 дона журнал беришди. Аммо, атиги эллик минг сўмлик сотдим. Ҳали барча пулни топширгандим. Мудир тўпланган пулларни вилоят шифохонасига ўтказамиз дегач, мактаб жамоаси билан кенгашиб, шу пулга артезиан қудуғи қаздириб қўя қолдим».

21-мактаб директори Қ.Отамуротов: «55 дона журнални сотиб, 27500 сўмни топширдим...»

6-мактаб бош ҳисобчиси Д. Отажонова: «164 нафар ўқитувчига мажбуран сотилиб, пули топширилди...»

Шаҳардаги 5-мактаб ўқитувчиси Каримова: «Май ойи маошидан 500 сўм ушлаб қолишди, аммо журналини беришгани йўқ...»

Умуман журнал тарқатилган. Бир қисми сотилган. Кимдир олган, кимдир эса рўйхатга имзо чеккан-у журналсиз қолган. Шикоят хатини ўрганиш жараёнида кўплаб мактабларда бўлишимизга тўғри келди. Мактаб раҳбарларининг бу борадаги фикрлари бир жойдан чиқди, яъни «Пул олинган, қайтарилмаган».

Қуйидаги «Тушунтириш хати»ни эса мудир Отажонов ўзича «оқлов қоғози» ҳисоблайди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ВА ҲИСОБГА ҚЎЙИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Кичик ва ўрта бизнесни жадал ривожлантириш ва унинг самарали фаолият кўрсатиши учун қулай иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни шакллантириш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини соддалаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин ва у 2001 йил 1 октябрдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Белгилансинки, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш уларни ҳисобга қўйиш билан бир вақтда «бир йўла» принципи бўйича амалга оширилади.

Белгилаб қўйилсинки:

аудиторлик ва суғурта ташкилотлари, биржалар, шунингдек хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва Тошкент шаҳрида ташкил этиладиган бозорлар — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан;

хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳамда тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ташкил этиладиган бозорлар — Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва вилоятлар адлия бошқармалари томонидан;

барча тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар, ушбу бандининг учинчи ва тўртинчи хат бошида кўрсатилганлардан ташқари — туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан давлат рўйхатидан ўтказилади ва ҳисобга қўйилади.

Адлия органлари, туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари 2002 йил 1 январгача, улар томонидан илгари рўйхатдан ўтказилган тадбиркорлик субъектларининг рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларини, мансублигига кўра юқорида қайд этилган рўйхатдан ўтказувчи органларга топширсинлар. Тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларининг топширилганлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қилинсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

рўйхатдан ўтказилган тадбиркорлик субъектини солиқ ва статистика органларида, йўл жамғармасида, туман (шаҳар) меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимида ёки туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимида ҳисобга қўйиш рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан, рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида бериладиган гувоҳномада солиқ тўловчига берилган статистика кодлари ва идентификация рақами кўрсатилган ҳолда амалга оширилади;

муҳр ва штамп тайёрлашга ички ишлар органларида рухсатномани расмийлаштирган ҳолда тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказиш, уни тегишли органларда ҳисобга қўйишнинг умумий муддати юридик шахслар учун — зарур ҳужжатлар илова қилинган ҳолда ариза берилган кундан бошлаб 12 иш кунидан ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс бўлмаган деҳқон хўжаликлари учун — 8 иш кунидан ошмаслиги керак.

Белгилаб қўйилсинки, давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш учун ушбу қарорга иловада назарда тутилмаган қўшимча ҳужжатлар тақдим этилишини талаб қилиш ноқонуний ҳисобланади, айбдор мансабдор шахслар эса амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

4. Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ҳузурида давлат рўйхатидан ўтказиш учун йиғимлардан тушадиган маблағларнинг бир қисми ҳисобига маблағ билан таъминланадиган (1-3 нафар штати бўлган) тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлимлари ташкил этилсин.

Қуйидагилар тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлимларининг асосий функциялари этиб белгилансин:

давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларни қабул қилиб олиш ва экспертизадан ўтказиш;

рўйхатдан ўтказувчи органнинг тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги қарорини тайёрлаш;

тадбиркорлик субъектларининг давлат реестрини юритиш;

тадбиркорлик субъектларини солиқ ва статистика органларида, йўл жамғармасида, меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимида ҳисобга қўйишни ташкил этиш ҳамда муҳр ва штамп тайёрлаш учун ички ишлар органларининг рухсатномасини олиш;

статистика кодлари ва солиқ тўловчининг идентификация рақамини кўрсатган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномани, шунингдек муҳр ва штамп тайёрлаш учун ички ишлар органларининг рухсатномасини тадбиркорлик субъектларига бериш;

товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар ҳудудий палаталарини, давлат санитария-эпидемиология назорати марказларини ҳамда ёнғин хавфсизлиги хизматларини янги тадбиркорлик субъектларининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида хабардор қилиш.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлимлари томонидан вазифаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши юзасидан жавобгарлик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ҳамда вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 4-бандининг бажарилиши ҳақида жорий йилнинг 1 ноябригача Вазирлар Маҳкамасига ахборот берсинлар.

5. Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси:

хўжалик ҳисобидаги ахборот-маслаҳат марказлари орқали давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлашда ёрдам кўрсатишни ташкил этсин, шунингдек рўйхатдан ўтказувчи органларда тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ифодаласин;

давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тайёрлаш бўйича кўрсатиладиган хизматлар учун тўловларни шартнома асосида олти ойгача муддатга кечиктирсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги муҳрлар ва штампларни тайёрлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартибини икки ой муддатда тасдиқласин ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг ушбу қарор билан белгиланган янги тартибига тўлиқ риоя қилиниши учун барча зарур ташкилий чора-тадбирларни амалга оширсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги хўжалик юритувчи субъектларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўлимлари тўғрисидаги намунавий низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказсин;

қонун ҳужжатларига тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг ушбу қарор билан белгиланган тартибига риоя қилмаганлик учун давлат органларига ва мансабдор шахсларга нисбатан санкцияларни назарда тутувчи ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши (Р.Азимов) ушбу қарорнинг бажарилишини ўргансин ва 2002 йил январь ойида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 22 август

Эртага Янги йил келади. Янги аср билан юзлашаман. Жудаям ҳаяжонли дақиқалар. Тун қўйнида алланечук сир-синоат бордек. Менинг умримни синовдан ўтказаётгандек. Очиғи мен ўзим англамаган ҳолда, ўз-ўзимга ҳисобот бераяпман. Битта савол миямда гир айланаяпти. Мен кимман?

Мен чуқур ўйга бердим. Инсоният неча бора янги йилни кутиб олди. Лекин янги асрни қарши олганлар кам. 2001 йил ҳисобига майли тақвим бўйича айтсам, одамзод 2001 бора пешвоз чиққандир. Аммо мен ўз умрим ва ҳаёт йўлим давомида янги асрга илк бора дуч келаяпман. XXI аср бутун инсониятга ўз эшигини очаяпти. Айни дам ким қандай ўйда билмадим, лекин менинг ботинимда шундай кечинмалар ўтмоқда. Мен бу асрни қандай бахтли, Худо ёрлақаган одамлар кутиб олади, бу оқшомга қандай саодатли инсонлар етиб келаркан, деб кўп ўйлаганман. Хўш, биз XXI асрни кўнгил хотиржамлиги билан, ўз озодлигимизнинг 10 йиллигини қаршилаб, кутиб олаяпмиз. Майли, нима бўлган тақдирда ҳам бошқа халқлар, давлатлар тарихида бу асрда эсда қоларли воқеалар ўзига яраша бўлар. Дейлик, Европа ёхуд Осиёнинг бошқа давлатларида шу халқнинг тарихига дахлдор улуғ сана ёки тантанали айём нишонланар. Лекин биз бутун башарият учун ардоқли бўлган Озодликнинг роппа-роса ўн йиллиги билан юз кўришиш бахтига мушаррафмиз. Бизнинг тақдиримизда янги асрнинг илк тонгини озод кутиб олиш битилганининг ўзи энг катта иқбол. Энг катта воқеа. Шундай эмасми?! Гапнинг лўндасини айтганда XXI асрга ҳам қул ва мутеъ бўлиб, қалбида озор, кўзида ёш билан қарши келаётган халқлар қанча, эл-элатлар қанча, миллатлар қанча? Уруш оловида ёнаётган эллар қанча. Эҳ-ҳе, тўс-тўполон, табиий офатлар гирдобида ғарқ бўлиб не-не фалокатларни бошдан ўтказиб, ситам билан янги асрга қадам қўяётганлар қанча?

Ҳозир иш столимга мук тушган кўйи кўнглимнинг буюрганини ёзаётган маҳал истиқлолгача бўлган кунлар кўз олдимда гавдаланиб бормоқда. Ўз-ўзидан бу бош қандай савдоларни кўрмади, елкам тирикликнинг қандай азобларидан жабр тортмади, деган бир ўкинч ҳам пайдо бўлаётгани чин. Шу дамда бобом менга доимо сўзлагувчи бир кўҳна ривоят ёдимга тушди.

Муҳаммад пайғамбаримизнинг ҳалифалари Ҳазрат Ибн Ҳаттобдан сўрашган эканлар: «Исломдан аввалги ҳаётингиз ҳақида нималарни ўйлайсиз?». «Исломдан олдинги ҳаётим эсимга тушса, икки хил ҳолатни бошдан кечираман. Бирида йиғлайман, бирида куламан. Йиғлашимнинг сабабини айтайми? Исломдан бурун мен мансуб қабилада, оилада ўғил туғилса, хўп-хўп. Қиз туғилса фожиа эди. Қизнинг шўри қурир эди. Қизнинг манглайи қора бўлиб туғилар эди. Чунки дунёга келган қиз болани тириклайин ерга кўмишар эди. Мен ҳам ўз қўлим билан 3 ёшли қизалоғимни кўмганман. Кўзларимдан тирқираб ёш чиқиб кетганининг сабаби — қизимни кўмиш учун чуқур қазидим. Уни чуқурга ташладим. Устидан энди тупроқ ташлайман деганимда, чуқурдаги қизим жажжи қўлчаларини узатди. Маънисини билсам, у соқолимга тушган чангни артмоқчи экан. Сўнгги чоғда ҳам у фарзандлик ишини қилаётган эди...

Энди кулгим келиш сабабини айтайми, мен у дамларда, яъни исломдан аввал, ҳолвадан худо ясаб сиғинардим. Кейин, қорним оч қолганда эса ўша ҳолвани еб қўярдим...»

Шу ривоятдан келиб чиқиб менинг ҳам ўйимдан истиқлолдан аввалги давр ўтаяпти. Собиқ СССР менга ва халқимга нима қолдирди? Бунда менинг йиғлашимга қандай асос бор эди? Бор эди — мана, эшитинг; империя ҳокимлиги даврида бутун бир халқ ҳудудига туз-насиба, ҳаёт бергувчи Орол қуриди. Уқувсизлик билан, қолаверса, бизларни менсимаслик билан юргизилган сиёсатнинг жабри шу бўлдики, биз энг эъзозли билган, ҳаётимиз манбаи — Оролдан ажралиб қолдик. Қит

10

«ЎЗТРАНСГАЗ»
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИГА ҚАРАШЛИ
«УРГАНЧТРАНСГАЗ»
ШЎЪБА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Буюк ва суюкли аждодларимиз орзу қилган, Сиз билан бизга насиб этган ажойиб байрам — юртимиз Мустақиллигининг ўн йиллиги барчамизга муборак бўлсин!

Доно Юртбошимиз ва меҳнатсевар халқимизнинг саъй-ҳаракатлари она-Ватанимизни янада ривожлантиришга, фаровонликни оширишга асос эканлигига имонимиз комилдир.

Байрам шодиёнаси мамлакатимиздаги ҳар бир хонадонга тинчлик, қут-барака ва фаровонлик бахшида этсин!
Хизр назари тушган бу юртда тинчлик, барқарорлик абадий бўлсин!
Уни Яратганнинг ўзи қора ниятли кимсалардан асрасин!

РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ «ҒАЛЛАБАНК» ЖАМОАСИ

Барчага тинчлик, баркарорлик ва азиз диёримиз равнақи, фаровонлиги ҳамда гуллаб-яшнаши йўлида амалга ошираётган ишларида муваффақиятлар тилайди.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ БУЮК ШОДИЁНА — МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИ БИЛАН ЧИН ЮРАКДАН ТАБРИКЛАЙДИ.

«ҒАЛЛАБАНК» ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН!

"ҒАЛЛАБАНК"

"GALLABANK"

ЮРТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИ АБАДИЙ БЎЛСИН!

«Росси-СА»

ЎЗБЕКИСТОН-БОЛГАРИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Озод ва обод юртимизнинг ҳар бир фуқаросини яқинлашиб келаётган улуғ байрам — Ўзбекистон Мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан қизғин ва самимий муборакбод этади!


Юртдошларимизни қутлуғ байрам билан қутлар эканмиз, маҳсулотларимизнинг асосий истеъмолчиси бўлмиш ўғил-қизларимизни янги ўқув йили — биринчи қўнғироқ билан ҳам табриклаймиз.

10

НАВОИЙАЗОТ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ МЕҲНАТ ЖАМОАСИ





Бунёдкор Ўзбекистон халқини энг улуғ ва энг азиз байрам — МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ билан чин дилдан муборакбод этади.


Озод Ватанимиз 10 йилда асрга татигулик катта тарихий йўлни босиб ўтди. Юртдошларимиз шу давр мобайнида машаққатли синовлардан ўтиш баробарида ўзликни англаш, миллий ғурур ва ифтихор ҳиссини дилга чуқур ва теран қилиб туйди. Бунинг далили келажагимиз бўлмиш ёшлар тафаккури кенгликларида намоён бўлмоқда.
Шубҳасиз, эртамиз бугунимиздан-да саодатли бўлади.
Бунга ишонч қатъий.


АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Барчангизни улуғ ва азиз байрам билан қутлар эканмиз, юртимизга тинчлик, оилаларга тотувлик доимо ҳамроҳ бўлишини тилаймиз. Ватан узра Озодлик ва Ҳурлик қуёши мангу порласин.



МУҚАДДАС ЮРТИМИЗ ШУҲРАТИ ЯНАДА ЗИЁДА БЎЛСИН!







Мустақил юрт парвозига ўн йил тўлди,
Шонли Ватан озод бўлди, обод бўлди.
Ислоҳотлар истиқболга қанот эрур,
Қаноатли элнинг бахти кулди.



ХУРМАТЛИ ВАТАНДОШЛАР

«САВДОГАРБАНК»

Сизларни Мустақилликнинг нурафшон 10 йиллиги байрами билан самимий қутлайди. Юртимиз обод, осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз боқий бўлишини Яратгандан тилайди.

Қутлуғ айём арафасида «Савдогарбанк» даромадингизни ошириш мақсадида йиллик **40 фоиз** даромад келтирадиган

«ЭГАСИНИНГ НОМИ КЎРСАТИЛМАЙДИГАН»

деб номланган янги омонат турини

ТАКЛИФ ЭТАДИ!!!

Сиздан омонатга маблағ қўяётганингизда ҳеч қандай ҳужжат талаб қилинмайди ва фоиз даромадини олдиндан олиш ҳуқуқига эгасиз.

«САВДОГАРБАНК» – СИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИНГИЗ!!!

Қўшимча маълумотларни: **54-24-05, 54-18-65** телефонлари ва банкнинг барча бўлимлари орқали олишингиз мумкин.

«ШАҲРИСАБЗ-КОНСЕРВА»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ


Ўзбекистон халқини энг азиз ва муборак байрам — Ватанимиз истиқлолининг

10 йиллиги

билан самимий табриклайди.

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга корхонамиз жамоаси ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётганлигидан бағоят мамнун.





Халқимизни қутлуғ айём билан табриклар эканмиз, барча оилаларга тинчлик-фаровонлик, барқарорлик ва кут-барака тилаймиз!



«ҚИЗИЛҚУМЦЕМЕНТ»

очиқ акциядорлик жамиятининг
2200 кишилик меҳнат жамоаси




10 йил

Ўзбекистон халқини буюк ва азиз байрам — республика
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ
шодиёнаси билан чин қалбдан табриклайди.

Ушбу байрамнинг кўтаринки руҳи барчамизга мамлакатимиз қудратини янада мустаҳкамлаш, амалга оширилаётган ислоҳотларни янада жадаллаштириш, халқимиз турмуш даражасини янада юксалтиришда янги куч-ғайратлар бахш этсин.


Мустақиллик шукуҳидан диллар ёруғ. Юртимиз жаҳонга ғиқди. Эндиликда нафақат Ўзбекистонни, балки корхонамизни ҳам дунё танийди. Бу ишлаб ғиқараётган маҳсулотларимизнинг жаҳон андозаларига монандлигини таъминлайди.

Фурсатдан фойдаланиб барча юртдошларимизга меҳнатда зафарлар, турмушда фаровонлик ёр бўлишини тилаймиз.



ЮРТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИ АБАДИЙ БЎЛСИН!





ФАХР

КЎНГЛИМНИНГ КЎРКИСАН, ГУЛИСТОН!





Мен сирдарёликман. Ҳозирги Гулистон шаҳрини қадимдан Мирзачўл деб атардилар. Эсимни танибманки, Мирзачўл шаҳрида бўлиб, у ерда яшайдиган қариндош-уруғлар, ошна-оғайнилар уйларига тез-тез бориб турараман. Мирзачўлнинг фақатгина номи шаҳар, аслида ундан кўра «Боёвут» хўжалигининг маркази ободроқ, тозароқ, баҳаво эди. Қинғир-қийшиқ, тор кўчалар, ботқоқ йўллар, кўклам, ёз, эрта кузда ҳам ўнқир-чўнқир, сариқ сувга тўла кичик кўлдан сув кетмасди. Сувидан айниган тухумнинг қўланса ҳиди келарди. Суви шўртанг, ҳидли бўлгани учун қайнатмасдан ичиб бўлмасди. Шаҳарда фақат битта 6 хонали пишиқ ғиштдан қилинган бир қаватли уй бор эди, холос. Қолгани зах — шўр тупроқ маҳсули — хом ғишт, гувала кесак ва пахсадан қилинган девор, усти қамиш билан ёпилган бинолар эди. Шу мақолани ёза туриб бир мудҳиш воқеа эсимга тушди. 1949 йилнинг кўкламида Ховос райижроқўмининг идорасида ўтирган эдим. Телефон жиринглаб қолди. Гўшакни кўтарсам: «Латипов, мен Турдиев бўламан, сен идорангда кутиб тур, мен ярим соатда етиб бораман», деб гўшакни осиб қўйди. Ярим соатдан сўнг идорага икки киши кириб келди. Бири Тошкент область ижроқўмининг раиси Халил Турдиев, у кишининг кетида Мирзачўл район партия қўмитасининг биринчи котиби, машҳур чўлқувар Абдулҳайир Тоиров. Саломлашиб бўлганимиздан кейин Турдиев менга қараб: «Кетдик, сен билан «Боёвут»нинг янги ерларига борамиз», — деди. Бирга кўчага чиқдик. Кўчада 3 та 1,5 тонналик (полуторка дейиларди) машинанинг устида 7-6 тадан навқирон йигитлар бизнинг кетимиздан ўша машинада йўлга тушишди. Ҳозирги Боёвут районининг штаб деган биноси атрофидаги ертўла уйларнинг олдида тўхтадик. Уларнинг вакиллари ким қаерга жойлашганлигини аниқлаб кетганга ўхшарди. 3 та грузовойдаги одамлар 3 жойга бориб тўхтади. Турдиев менга қараб: «Нимага Мирзачўл районининг одамларини қабул қилаётирсизлар, Мирзачўлнинг аҳволи Ховосдан ҳам баттар, олинглар одамларингизни», — деб Тоировга кўргазма берди. Тоиров эса ўзининг одамларига қараб: «Бориб одамларни ортинглар, агар эркаклари ишда бўлса, хотин, бола-чақасини ортиб кетаверинглар. Эркаги орқасидан борар», — деди. Мана шу воқеага ҳам 51 йил бўлди. Ҳеч кўз ўнгимдан кетмайди. Қочиб кўчиб келганига 5-6 кун бўлган оилаларнинг кўчини (кўчлари ҳам жуда юпун, оз эди) машиналарга ортдилар. Биз учта раҳбар турибмиз. Кўзимизнинг олдида аёллар, болалар бормайми, деб чинқиришгани, йигитлар зўрлаб битта оиланинг боласини бешиги билан ортганини кўрганман. У ёғини ёзолмайман... 20 га яқин оилани ортиб кетдилар. Ўзимизнинг аҳволимиз ҳам яхши эмас, 13,5 гектар янги ўзлаштирилган ерда битта ҳам иморат йўқ. Райком, райижроқўмнинг штаби ҳам ертўлада. Тош йўл ҳам йўқ. Мой чироқ. Фарқи — фақат бизда тоза, янги ер эди, холос. Мана шундай оғир аҳволда эди Мирзачўл.

Кейинги вақтларда анча яхши ишлар ҳам қилинди. Лекин Гулистон шаҳрида яқин орада қилинган ишларни ҳеч ким қилолгани йўқ. Яқинда Ховос туманига бир иш билан бориб, кечаси Гулистон шаҳрига келиб укам Муҳиддин Нарзиқуловнинг уйида қолдим. У эрталаб мени кузата туриб, «Сизга бир шаҳарни кўрсатай, тўрт йилда қилинган ишларни кўринг», — деди. Мен ўзим ҳам кўрмоқчи эканлигимни айтдим. Машинасида айланиб юрдик. Кўриб ҳайрон қолдим. Дилимдаги рост гапни айтсам, вилоятдаги пахта режасини бажаролмай юрган хўжаликларни кўриб ранжиб юрардим. Лекин Гулистон шаҳрида қилинган ишлар ибратга лойиқ. Бу ишлар мустақиллик муносабати билан бўлди. Қисқаси, мамлакатимизда юз бераётган ҳар бир янгилик, ижобий ўзгаришлар менга кўтаринки руҳ бағишлаётир. Ёшим 82 да. Мустақил мамлакатимизнинг 10 йиллик тўйи олди мен ҳам 10 ёшга ёшариб, завқим келиб ёзган шеърий машқимни юртдошларимга тақдим этмоқчи эдим...

Биз Мирзачўл, дердик. Ким «Оч чўл» дерди —
Шаҳар номи эди, бу кечаги кун.
Бори — қинғир ва тор кўчалар эди,
Чангин кўтарарди кўк сари қуюн.
Баҳори лой эди, ёзлари тўзон,
Зах ери тараларди қўланса ҳаво.
Кўкарган дарахти ўсар чалажон,
Соя баҳрасидан бўлиб мосуво.
Кўрардик хом ғиштли, қамиш деворли
Лойсувоқ қилинган пастқам уйларни.
Шаҳар деб ўйлардик, оту арава
Гупчагин лой ютган кўча-кўйларни.
Шу ерни юртим деб айтишга ҳатто
Кўксимга сиғмаган юрак бермас дов.
Жўнаб кетган эдим шу ердан жангга,
Топтамасин дея юрт тупроғин ёв...

■ Худоёр ЛАТИПОВ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ ҚОШИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

«ҚАЛАМКАШ»

ёш журналистлар ўқув курсига сухбат асосида тингловчилар қабул қилинади.

ЎҚИШ МУДДАТИ — БИР ЙИЛ.

Маъруза ва амалий машғулотларни журналистика сохаси бўйича етакчи олимлар ва таниқли журналистлар олиб боришади.

БИТИРУВЧИЛАРГА ҲУЖЖАТ БЕРИЛАДИ.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 3-қават, 356-хона. «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти. Тел.: 136-55-05.

МИЛЛАТ ВА САНЪАТ


ХАЛҚДАН УЗИЛИБ ҚОЛМАЙЛИК

ИНТИЛИШДА ГАП КЎП

«Ўзбекрақс» бирлашмаси қошида оркестр очилгани ҳақидаги гап, тўғриси, мени аввал ҳайрон қолдирди: ўзи шундоғам оркестр концертлари, балет, операларга халқимиз у қадар ёпирилиб келмайди, катта-катта залларнинг бўшлиги кўпчиликни ташвишга солаётган бўлса...

«Баҳор» концерт залига келганимда, репетиция авжида эди. Атрофга кўз югуртираман, 20-25 йигит, 2 нафар қиз берилиб машқ қилишаяпти. Уларга ҳалақит бергим келмай, «Ўзбекрақс» бирлашмаси бош директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Юлдуз Исматовага мурожаат этдим.

— Мумтоз санъатимиз, халқ чолғу оркестри концертлари, бу ҳамма ёппасига қизикадиган жанр эмас. Эстрада кўнгилочарлик бўлса, мумтоз куйларимиз фалсафа, умуминсоний қадриятлар билан чамбарчас боғланган. Фалсафани эса ҳамма ҳам тушунавермай-



ди. Клавихонинг ҳайрат билан эътироф этишича, Амир Темур даврида 300 дан ортиқ мусиқачи баб-баравар бир куйни чалган экан. Бу осон иш эмас. Кўп овозли куйларимиз бизнинг миллий қадриятимиз, ўтмишимиз, уни унутишга, ҳурмат қилмасликка ҳаққимиз йўқ. Демак, ҳамма гап тарбияга келиб тақалаяпти. Халқимизнинг мусиқий дидини, савиясини ўстириш керак. Ҳаракатни эса албатта боғчадан бошлаш лозим.

Энди оркестрга келсак, мен унинг келажагига ишонаман. Қийинчиликларнинг бўлиши эса табиий ҳол. Шу билан бирга миллий рақсимиз ҳам дунё миқёсига чиқишига ишонаман, — дейди Юлдуз Исматова.

ЎЗИМИЗГА ИШОНАМИЗ

Оркестр бош дирижёри Мустафо Бафоев: «суҳбатлашиб туринг», — дея 4-5 йигит-қизни олдимга олиб келдилар. — Булар менинг ишонган тоғларим!


Рустам Каримов: 3-4 республикалараро халқ чолғу асбоблари танлови ғолиби: — Бизни катта мақсадлар бирлаштириб турибди. Шулардан энг муҳими ўзбек халқининг кўп овозли санъатини ўзимизда, кейинроқ чет элда кўрсатиш, тан олдириш. Бу борада анча ишлар қилинаяпти, агар эътибор берган бўлсангиз, гуруҳимизда кўпчилик ёшлар, уларнинг аксарияти ҳали консерватория талабалари. Лекин жуда кўп танловларда ғолиб бўлган совриндорлар. Гуруҳга имтиҳон орқали саралаб олинди, яъни ҳар бир сознинг устасини йиғишга ҳаракат қилиняпти.

Оркестримиз тузилганига 3 ой бўлган бир чоғда «Тошкент баҳори — 2001» халқ чолғу ансамбллари ва оркестларининг 4-халқаро фестивали бўлаётганини эшитиб ҳаммамиз унда иштирок этиш истагини билдирдик. Устозимиз бизга ишондилар, бир тан у бир жон бўлиб олий даражали сертификатни қўлга киритдик. Бу бизнинг илк ютуғимиз эди.

Шерзод Умаров: созанда, концертмейстер: — Мен Италия, Франция давлатларида бўлганман. Ўзбек чолғу асбобларининг имконияти, жаранги ҳеч бир давлат асбобларидан қолишиш у ёқда турсин, балки 10-15 баравар юқори. Бутун дунёга довруғи кетган италияликларнинг Мандалина чолғу асбоблари олдида ҳам бизнинг оркестр ўз жозибаси, лирикага, нафисликка бойлиги билан кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлган.

Энди нега бизда оркестрга қизиқиш суст деган саволингизга келсак, бир нарсани айтмоқчи эдим: Қайси хорижий давлатда бўлмайлик, бизни аввал боғча-мактабларга олиб боришади. Болалар жажжигина қўлчалари билан скрипка, виолончель чалаётганини кўриб, тўғриси, жудаям ҳавасим келарди. Ўзимизда ҳам ўзгаришлар, силжишлар бор. Бир мактаб ўқитувчиси билан гаплашдим. Ҳозир мактабларда ўқувчиларга танбур, дутор, ғижжак, рубоб, оркестр нима эканлиги ўргатилаётган экан. Тўғриси, буларни аксарият катталар ҳам фарқлашмайди. Акмал Икромов туманидаги бир боғчада «Томчилар» деган халқ чолғу асбобларидан тузилган оркестр концертлар бераётганлигини эшитиб жуда қувондим. Ахир, сени бутун дунё олқишлаб турса-ю, ўз юртингда яхши тушунмаса, бу албатта яхши эмас.

Йигитларнинг сўзларини тинглаб ўтирар эканман, ўзим ҳам чолғу асбобларини бир-биридан яхши фарқлай олмаслигимдан, оркестр концертларига бориш у ёқда турсин,



ҳатто қизиқмаслигимдан рости уялиб кетдим. Бу бўшлиқни албатта тўлдираман, дея сўз бердим ўзимга.

ТУШКУНЛИККА ТУШГАНИМДА...

Мустафо Бафоев — оркестр бош дирижёри, Ўзбекистон санъат арбоби, А. Қодирий номидаги Давлат мукофоти совриндори:

— Алоҳида оркестр тузиш нияти менда азалдан бор эди. Мана ниҳоят илк қадам ташланди. Лекин қийинчиликлар ҳали олдинда. Мусиқа асбобларида ишлаш заргарлик ишидек нозик ва мураккаб, кўп меҳнат талаб этади. Оркестр бир тану бир жон бўлиб ҳаракат этмаса, бир-бирини тўлдирмаса, тушунмаса, мақсадга эришиб бўлмайди. Мумтоз куйларни халқ тушунмайди, дейишади. Мен бу фикрга қўшилмайман. Мана яқинда ҳисобот концертимиз бўлди. Залимиз ҳам тўла эди, одамлар қарсаклар билан бизни яхши қабул қилишди. Радиода тўғридан-тўғри мулоқотда кўнғироқ қилиб бизнинг мусиқамиз кўпчиликка ёқиши, кишининг руҳий дунёсини кенгликларга олиб чиқа олиши ҳақидаги тингловчиларнинг фикрларини эшитиб, тўғриси ўзим ҳам қувондим. Одамлар гумроҳмас, фақат уларга санъатимизни етказолмаяпмиз, назаримда. Мен бирон автобус ташкиллаштириб қишлоқларга чиқишни истардим, ҳар 100 одамдан 10 таси бизни тушунса, эшитса ҳам катта гап.

Биз бошқа оркестрларга қараганда тузилиш вақтига қараб ҳам, чолғучиларнинг ёшига қараб ҳам энг ёшмиз. Жамоамиз ҳам унча катта эмас, 25 нафар, лекин агар жон куйдириб ишласа 50 одамнинг ўрнини босади. Биз нотадан чиқишга ҳаракат қиламиз, кўп овозлик чолғуларнинг ўзаро гармониясига эришиш лозим. 10 та парданинг мусиқадаги бирлашиб, бир-бири билан курашиши натижасида катта уверътюра пайдо бўлади. Лекин баъзан тушкунликка ҳам тушиб кетаман, орзу қилганларимга эриша олармиканман, ахир ҳамма нарса менинг ўзимгагина боғлиқ эмас-да. Ўзингиз ўйланг, 4 рубобнинг бир хил, бир қочирим, нолада тебранишига эришиш учун ҳазилакам меҳнат керак дейсизми?!

Ҳаммасини вақт кўрсатади. Ниятларимиз катта, дунё саҳнасига чиқмоқчимиз. Муяссар Раззоқова, Насиба Сатторова, Марям Сатторовалар билан концерт бермоқчимиз. Шундай ижрочилик маҳоратига эришишимиз даркорки, тингловчи бизни бир нафасда тингласин. Халқимизнинг концерт залларига келишлари, даврани тўлдириб ўтиришларини хоҳлардим, ҳам руҳий озуқа олишади, ҳам бизнинг маънавий ўсишимизга ижобий туртки, мадад бўларди.

■ **Шаҳрибону НОЗИЛОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири**



СЕНИМИ, ШОШМАЙ ТУР...

ЭНГ ҚИММАТ ШАҲАРЛАР

Москва ҳамда Санкт-Петербург дунёдаги энг қиммат ўн шаҳар сафида турар экан. «Уильям Мерсиер» социологик маркази тадқиқотлари шундан далолат бермоқда. Унга кўра, Россия пойтахти иккинчи, Санкт-Петербург эса саккизинчи ўринни эгаллаган. Рўйхат бошида эса Токио шаҳри турибди.



КЎҢИЛДАН КЎЧИРМА

БАРДОШ

Ҳаёт деб аталмиш уммонда ҳаёт учун курашиб кўнгил чарчаса бардош мени овутади.

СОҒИНЧ

Ҳеч кимдан мурувват кутмайман. Соғинчни бировга бермайман. Соғинчим соғинчни кутади.

ОЙНА

Ўтмишнинг кўзгусига ғубор қўнгандай. Ўйламай қўйганман кечани. Ойна кўрсатса эртани агар, юрагим ошиқиб қарайман.

ДУНЁДАН ОЛГАНИМ — БЕРГАНИМ

«Дунёдан нимани орттирдинг?» сўрашади дўстми, аёрми. Дунёдан олганим — берганим, армоним, бардошим, гуноҳми-савобми ҳаммаси теппа-тенг. Армонларим ҳам кўнглимни тўлдириб турибди. Усиз ҳувиллаб қоларди кўнгил деган бир буюк салтанат.

АЁРГИНАМ

Раҳмат, сизга, аёргинам, борлигингиз менга яхши. Сиздан ҳушёр торта-торта, бу ҳаётда хато қилмай қўйдим. Мен барибир ҳеч фаришта бўлолмайман, аёргинам, шуям сизга ютуқ асли.

■ Саида САЙХУН

ҚОРАСУВ ШАҲАР 39-АВТОКОРХОНАГА ТЕГИШЛИ ЛИЦЕНЗИЯЛАРНИНГ ЙЎҚОЛГАН КАРТОЧКАЛАРИ РЎЙХАТИ

0000741 сонли лицензиянинг
1. 0020792
2. 0020795
3. 0020799
4. 0020800
5. 0020803
6. 0020804
7. 0020805
8. 0020808
9. 0020817
10. 0020818
11. 0020813
12. 0020814
13. 0020815
14. 0020816

0000365 сонли лицензиянинг
0020761

0000536 сонли лицензиянинг
1. 0020765
2. 0020766
3. 0020777
4. 0020783
5. 0020790
6. 0020791
7. 0020775

0000180 сонли лицензиянинг
1. 0020721
2. 0020730
3. 0020732
4. 0020743
5. 0020750
6. 0020752
7. 0020753


0000035 сонли лицензиянинг
0020711.

рақамли карточкалари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

INTER - SPORT

ЖАНГ КЕЧИКТИРИЛАДИ



Майк Тайсоннинг 8 сентябрь куни Копенгаген шаҳрида Бриан Нейлсин билан жанг ўтказиши режалаштирилган эди. Аммо Тайсоннинг уйғун йил Андреи Голота билан ўтказган жангида олган жароҳати яна безовта қилаётгани сабабли учрашув бироз муддатга кечиктирилиши маълум қилинди.


Тайсоннинг иш бошқарувчиси Шелий Финкел кечиктирилган жанг 13 октябрда Дания пойтахтида бўладиган оғир вазнлилар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ўтказилиши мумкинлигини айтди.

Шу йил ҳисобида Тайсон — Нейлсин билан бўладиган бу жангда биринчи бор рингга тушади. Сабаби, 2000 йилда олган жароҳати йил давомида уни уч марта безовта қилди. Албатта, бу нарса Тайсоннинг жангларга тайёргарлик кўришига жиддий таъсир этади. Тайсоннинг бу йилги рақиби Нейлсин ҳам тажрибали боксчи. У 62 жангда ғолиб бўлиб, шулардан 43 тасини муддатидан олдин накаут билан якунлаган.


ҒОЛИБ БЎЛДИ



Англия чемпионатида «Ливерпул» футбол клуби «FC Хака» жамоасини 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. «Ливерпул» ўйинчилари Роббий Фовлер ҳамда Жемий Редкнаплар «FC Хака» дарвозасига кетма-кет тўплар киритиб, ўз клубларига ғолиблик олиб келди. Шунингдек, ўтган сешанба куни Англия чемпионати учун бўлган ўйинда «Лидс» футбол жамоаси «Арсенал» устидан 2:1 ҳисобида ғолиб бўлди. Аммо ўйин давомида «Лидс»нинг икки ўйинчиси Данний Миллс ва Ле Боверлар майдондан чиқариб юборилди. Жамоанинг ишонган бу икки футболчилари кейинги ўйинда қатнашмаслиги «Лидс»нинг чемпионатдаги мавқеига салбий таъсир кўрсатади.



«ФЕРРАРИ» ИМКОНИЯТЛАРИ



Машҳур автопойгачилар Михайл Шумахер ҳамда Нигел Манселларнинг чемпионатларда «Феррари» автомобилидан фойдаланиши Давид Култсардга келгуси йилларда ўтказиладиган автопойга мусобақаларида рекорд ўрнатиш умидини йўққа чиқарди.

Хунгарияда бўлиб ўтган автопойга мусобақасида Шумахернинг эришган муваффақияти рақибларига ўзининг ким эканлигини яна бир бор эслатиб қўйди. Шумахер ҳар қандай эришган натижаларга такомиллаштирилган «Феррари» русумли автомобиль орқали эришмоқда.

■ **Юнус БЎРОНОВ тайёрлади**

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN
MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 136-55-16
Axborot — 133-12-56
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16;
Buxoroda — 222-10-92;
Gulistonda — 25-03-80;
Jizzaxda — 5-49-85;
Navoiyda — 3-39-20;
Namanganda — 6-43-43;
Nukusda — 222-70-12;
Samarqandda — 35-20-54;
Toshkentda — 136-53-16;
Urganchda — 226-51-35;
Fargonada — 26-43-62;
Qarshida — 4-61-35;
Termizda — 3-79-98.

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Sohibjon SALIMOV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: *Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.*

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 2602
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 5 00.
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA